

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 237 (3975). | Пайшанба, 5 декабрь 1968 йил. | Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИ БАЙРОҒИ ОСТИДА

Совет халқи ленинчи Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш йўлидан қатъий қарор билан олган бўлмоқда. Бу йўлни башариётнинг буюқ доҳийси В. И. Лениннинг улғувор ғоялари, совет демократиясининг порлоқ шўъласи машъадек ёритиб турибди.

Бутун совет халқи демократиямиз асослари ва моҳиятини ўзида ифода қилган ҳамда қонуни билан мустахкамланган СССР Конституцияси кунини шоду хушрамлиқ билан байрам қилмоқда. Бу кунини ҳар йили нишонлаш биз учун одат тусига кириб қолган. Зероки, СССР Конституциясида халқимизнинг ҳаёт мазмуни, ҳақ-ҳуқуқи, имтиёзлари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Визинг совет демократиямиз янги жамият принципларини ўзида мужассамлаштирган. Унга социал ва миллий антагонизм мутлақо бегона. Бу демократия Советлар Ватанида яшовчи барча халқлар ва миллатларнинг тенгхуқуқлигини, қардошларча ҳамкорлиги, биродарлиги ҳамда ғоявий-сиёсий жиҳатдан мустахкам бирлиги билан кучлидир. Совет демократияси меҳнаткашларимиз учун жуда кенг социал ҳуқуқ ва эркинликлар яратган. Бундай улғувор имтиёзлар фақат ғалаба қилган социализм шароитида, халқи ўз тақдирини ўз қўлига олган мамлакатдагина вуқулган келиши шак-шубҳасиздир.

Эндилкида совет кишиси деган ном жаҳонда энг улғу, энг фахрли, энг азиз ном бўлиб қолди. Совет кишиси бутун инсониятнинг чексиз иззат-ҳурматиға сазовор бўлмоқда. Бунинг босиси совет демократиясининг ёркин, афзал ва чинакам демократия эканлиғидир. Визинг демократиямиз совет кишисининг қадр-қиммати ва ролини шу қадар юксалтиққа кўтардики, биз бу билан чексиз фахрданамиз ва қувонамиз.

Совет демократияси байроғини баланд кўтарган халқимиз инсониятнинг энг азгу орзу-умидларини биринчи бўлиб рўйга чиқарди. У социализм деб аталган ҳур ва озоод жамиятнинг биринчи яратувчиси бўлди. Эндилкида эса коммунизм деб аталган энг гўзал, мушаммас, бахт-саодатли жамиятнинг биринчи бинокори бўлиб майдонға чиқмоқда. Совет халқи жаҳондаги барча тараққиётпарвар кишиларнинг орзуси бўлиши тинчлик, демократия ва социализм ғолиб байроғини ер кўраси узара биринчи бўлиб баланд кўтарган мардонавор халқдир. Бизда меҳнаткаш халқ

мамлакатнинг ҳақиқий хўжайини ҳисобланади. У ўз тақдирини ўзи ҳал қилиб, ўз шарафли тарихини яратмоқда, меҳнат ва курашда алоҳида зафарларга эришмоқда.

Совет ҳокимияти — халқ ҳокимиятидир. У меҳнаткашлар учун чинакам демократиядир. Бу ҳокимиятда миллионларча меҳнаткашлар қатнашиб, давлат ва жамоат ишларини бошқармоқдалар. Давлатни бу хил бошқариш кишиларнинг қобилият ва истеъодларини ўсиб бериш учун ҳар томонлама кенг йўл очиб берибди. Давлат системасининг демократиклиги давлат Советларда ўз аксини топтомоқда. Советлар давлат ва жамоат ташиқлотларининг ҳусусиятларини ўзида тўла муҳассам этган. Халқ ҳокимиятининг бу органлари ишда қатнашаётган депутатлар, активлар ҳамда кенг жамоатчилик жуда катта ва муҳим вазифаларни бажариб келмоқдалар.

Юксак оғиллик, ҳар бир ишда фаол қатнашиб, омманинг жонли ижодкорлиғи — булар Совет социалистик давлатининг куч-қудрат негизидир. Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида ижтимоий муносабатларини такомиллаштириш, янги кишини тарбиялаш ҳамда мамлакатда муваққатлиқни вужудга келтириш социалистик демократия ва давлатчиликни янада ривожлантиришни тақозо қилади. КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларида партия Марказий Комитети Пленумларида бу муҳим масалага, яъни Совет давлатини ҳамма чоралар билан тағин ҳам мустахкамлаб бориш ва социалистик демократияни янада ривожлантириш масаласига жуда катта эътибор берилган.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми якуниларидан шу нарса кўриниб турибдики, партиямиз ва унинг Марказий Комитети партия XXIII съезди ишлаб чиққан сиёсий йўлни ҳеч оғишмай амалға ошириб, коммунистик қурилиш ва ҳозирги халқроқ шароитда туғилаётган муҳим вазифаларни доволик билан муваффақиятли бажармоқда.

Барча совет кишилари қатори Тошкент област меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини зўр мамнуният билан қўлиб олдилар. Област меҳнаткашлари Пленум белгиланган тадбирларда мамлакатимиз экономикасини янада юксалтириш, совет кишилари моддий фаровонлигини оширишнинг порлоқ йўлини кўриб турибдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, шунингдек Тошкент област партия комитетининг янгида ўтган пленумлари КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини амалға ошириш юзасидан белгиланган амалий тадбирларини маъқуллади ва юксак баҳолади. Бу тадбирларнинг амалға оширилиши билан колхоз ва совхозлар ҳозирги замонавий кишлоқ хўжалик техникаси билан янада мукамилроқ таъминланади, уларнинг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжи тўлароқ қондирилади.

Пахта, дон, сабзавот ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифасининг муваффақиятли ҳал этилаётганлиғида Тошкент области меҳнаткашларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

КПСС Марказий Комитети март Пленумидан кейинги уч йил мобайнида областда янги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 19 процентга кўпайди. Давлатта пахта сотиш 118 минг тонна, қанол — 32 минг тонна, сабзавот ва картошка — 149 минг тонна, шол — 18 минг тоннага кўпайди. Шу давр мобайнида 25 минг тонна ҳўл мева, 62 минг тонна узум сотилди. Чорвачилик маҳсулотлари сотиш ҳам анча кўпайди. Давлатта 29 минг тонна сўт, 4 минг тонна гўшт, 42 миллион донга туҳун сотилди.

Улғу доҳийи В. И. Лениннинг, Совет ҳокимияти энг демократик буржуа республикасида ҳам миллион мартаба демократроқдир, деган сўзлари нечоғлиқ тўри эканлигини ҳаёт қайта-қайта тасдиқламоқда. Буржуа демократиясининг бошдан-оёқ сохта ва мунофиқлиги эса ҳар қадарда ошкор бўлмоқда. Бунинг Америка шаҳарларидаги ирқчилик погромлари, Вьетнам ва Янги Шарқда империалистлар олиб бораётган бебурд сиёсат, Грецияда реакциянинг қабих ишлари, Габри Германия қасосчиларининг милитаристик ва фашистик сиёсати ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.

Энг илғор ва чинакам совет демократиясининг йўлиға ғов бўладиган ҳеч қандай куч дунёда йўқ. Совет халқи, Коммунистик партия, жаҳон социализм системаси мавжуд экан, совет демократияси байроғи ҳаммаша ғолиб бўлиб, марғур ҳилпираб тураверади, инсонларга эрк ва адолат, тенглик ва бирлик, дўстлик ва ҳамкорлик, бахт-иқбол ва нуралиҳол ҳаёт йўлини ҳаммаша кўрсатиб тураверади!

ОҚЎРҒОНДА ЛЕНИНГА ҲАЙКАЛ

Ҳамза юмидати 6-ўрта мактаб ўқувчилари бир неча ой бурун мактаб территориясида В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатишнинг мақсад қилиб қўйишган эди. Улар ўз кучлари билан доҳига ҳайкал ўрнатиладиган ерни қўнамадорлаштиришди, ҳамма йўлларга асфальт ётқизишди. Ленинградлик ҳайкалтарошлар ўқувчиларга ердам қўлини чўшибди. Улар Лениннинг имназияда ўқиб юрган йилларини ифодаловчи қиёфасини бронзадан қўйиб беришди.

Мана, доҳига ҳайкал очилган тантанали кун ҳам етиб келди. Ҳайкал очилишиға бағишланган митингта Оқўрғон район мактабларининг ўқувчилари, партия, комсомол ва совет ташиқлотларининг вакиллари, колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари ўтланди.

Митингта Оқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари С. М. Тоиров қисқача нутқ сўзлаб очади. Совет Иттифоқи давлат гимнининг садолари янграйди. Ҳайкал очилади. Ҳамманинг рўпарасида доҳий қиёфаси намоён бўлади.

Митингта район комсомол комитетининг биринчи секретари А. Хўжакулов, грандлар уруши қатнашчиси, Чапаев дивизиясининг жангчиси С. А. Радаев, мактабларнинг ўқувчилари сўзга чиқишади.

Митинг тугагач, пионер ва ўқувчилар ҳайкал остига гулчамбарлар қўйдилар.

БАЙРАМ МУБОРАК, АЗМАТ ПАХТАКОР



ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ НОМИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ДЕБ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиумининг «СССР жамоат тартибини сақлаш министрлиги» номиини СССР ички ишлар министрлиги деб ўзгартириш тўғрисида»ги 1968 йил 25 ноябрь Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССР жамоат тартибини сақлаш иттифоқ-республика миштрлиги Ўзбекистон ССР Иттифоқ-республика ички ишлар министрлиги деб аталсин.

2. Қорақалпоғистон АССР жамоат тартибини сақлаш министрлиги номиини Қорақалпоғистон АССР ички ишлар министрлиги

деб ўзгартириш мақсадға мувофиқ деб топилин.

3. Меҳнаткашлар депутатлари област ва Тошкент шаҳар советлари ижроия комитетларининг жамоат тартибини сақлаш бошқармалари номи ўзгартирилиб, меҳнаткашлар депутатлари област ва Тошкент шаҳар советлари ижроия комитетларининг ички ишлар бошқармаси деб аталсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

1968 йил, 4 декабрь.
Тошкент шаҳри.

4. Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар советлари ижроия комитетларининг ички ишлар бўлимлари тувилсин.

5. Бу фармон ва Ўзбекистон ССР конституцияси (асосий қонуни)нинг тегишли моддаларига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги тақлифлар Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиғига тақдим этилин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 4 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планға нисбатан процент ҳисобида)

Калинин	88,8
Юқорй Чирчиқ	77,7
Ормоникиде	63,4
Оқўрғон	47,4
Ўрта Чирчиқ	42,8
Янгийўл	31,3
Бенқобод	20,1
Бука	15,9

Област бўйича: 40,1

ПАХТАКОР ЎЗБЕКИСТОН

Бу элда ҳар кун баҳор нафаси,
Кўш аймайди саҳий пурини.
Исон юратди меҳнат ҳаваси,
Гоҳи кўз-қўлайдй ўз гурурини.
Советлар шарҳида болқийди ўлкам,
Дилда хўш боғлари яшнар бир умр.
Бир-бириға туташ ерлари кўркам
Келсанг, сайр қилсанг қилсан ҳузур.
Тупроқлардан олтин ундирар инсон,
Пахта юртимизнинг фахри гурури.
Меҳнаткаш қалбига дўстлар шу жаҳон
Ҳар бир ҳовалонда ҳаёт сурури.
Шу тупроқ азиздир одам жондай,
Ҳар қанча ишласанг кетмайди зое,
Меҳнатдан элини баҳраманд бўлур,
Шу тупроқ ҳосили ўзбек чиройи.
Халол меҳнат билан танилди элга, —
Исми-жисми қабй ой қизларимиз,
Табрик хатларини ўқиб улғурмас,

Ҳосилин мўл олган бой қизларимиз,
Хар тонг кхлос билан тийлайди хулқар,
Пахтакор ўзбекининг зафар қўшини.
Осмон уфқларини шаффа бўйлар,
Халқияхат элмининг қишқир туги.
Баҳор ёзға, ёз эса кузға туташиб,
Пахтада ҳар давр ганимат тутар.
Ишнинг мавзин билган асл пахтакор,
Ҳар ўтган даврдан нишона кутар.
Катта доволардан ошди зўр қарвон.
Босдик улғу ишлар бўсағасини.
Пахтакор мард элим — она-Ватанға
Ўғлар бугун олтин тухфасини.
Ватаниннг пешқадам пахтакорисиз,
Даланин шунқори меҳрибонисиз.
Меҳрингиз ўстирар яна мўл ҳосил,
Ҳар ишнинг имқон жонқ-қонисиз.

Юсуфжон ҲАМДАМ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИНИНГ ПЛЕНУМИ

4 декабрда Тошкентда Ўзбекистон журналистлар союзи правленесининг пленуми бўлиб ўтди. Унда республика матбуот органларининг ҳодимлари, област, шаҳар ва район газеталарининг редакторлари қатнашди. Пленум қатнашчилари СССР Журналистлар союзи правленесининг секретари, республика Журналистлар союзи правленесининг раиси З. И. Есенбоевнинг В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиғига

тайёргарлик ва СССР Журналистлар союзининг III пленуми натижалари ҳақидаги докладыни муҳокама қилдилар. Шунингдек, пленум қатнашчилари «Экономика и жизнь» журналининг бош редактори, сиёсий-иқтисодий темаларда ёзувчи республика журналистлар секциясининг раиси Н. П. Ковневнинг иқтисодий ислохотини амалға оширишда матбуотнинг роли ҳақидаги докладыни муҳокама қилдилар.

Пленум қатнашчилари кўп йиллар мобайнида матбуот соҳасидаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудири М. М. Раҳмонкулов сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

ИППОДРОМГА МАРҲАМАТ

Тошкент ипподромида уч кун қарий-сурнай селолари янгради. Санъаткорлар, бадий ҳасаскорлар пахтакорлар хизматига бўлади. Анзанаға айланиб қолган бу йилги Пахта байрамиға азал-ғи йиллардагидек кучли чаваңдошлар ҳам келишди. Аҳдига вафодор гузал Фарғона, мард Хоразм, улкан ҳазиниға муносиб

улғуш қўшган Қашқадарь, Сурхондарь, Қорақалпоғистон, қадимий Самарқанд, Наманган, Андижон областидан келган спортчилар маҳоратини намоён қилишади. Байрам программиси ранг-баранг ва қизиқарли қилиб тузилган. Катта майдонда чаваңдошлар улўқ мусобақасини ўтказса, чап томондаги кичик ялангикда дор-

бозлар томошаси бўлади. Жозибели қўшиқ ва шўх куй шайдолаи ҳам шу ерга келаверсин. Уч кун давом этадиган бу байрамда даврга ўндан ортиқ улўқ ташлашди. От спорти мактабининг моҳир чаваңдошлари, областлардан келган меҳмонлар иштирокида «Ағдарин», «Қиз қувоқи», «Олиб кўрчи» мусобақалари ўткази-

зилади. Чаваңдошлар тулпорлари билан рақсга тушади, турли тўсиклардан ошиб ўтишади.

Кўли гул ошпазлар ҳам хизмат тингизда бўлади. «Тошкент», «Гулистон», «Баҳор» ва бошқа рестораниларнинг пазандалари мазали таомлар тайярлайшади.

Тошкент ипподромиға, Пахта байрамиға марҳамат қилин!

МЕҲНАТ ВА ЖАСОРАТ ТАНТАНАСИ

ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

Бугун она-Ватанга 4 миллион тонадан ортиқ «оқ олтин» армуғон этган шонли пахтакорлар ўз байрамларини аўранган тана билан нишонламоқдалар. Бугун қишлоғимизда ҳам шод хушроқлик ҳукм сурапти. Деҳқонларимиз бу катта байрамни планларини тўла бажарган ҳолда ёруғ юз билан кутиб олдилар.

Миришкор деҳқонларимиз эрта кўламдан бери ҳалола меҳнат қилиб келаятилар. Мавжуд 1016 гектар майдондаги кўчатларни усталлик билан парвартириш қилишди. Озиқлантириш, суғориш ва культивация қилиш ишлари бир-бирига узвий боғланган ҳолда олиб борилди.

Натижада кузга келиб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди. Ингич-терим мавсумида ҳамма ишлар социалистик мусобақа асосида ташкил этилди. Ватан омонига ҳозиргача 2320 тонадан ортиқ «оқ олтин» тўқиди. Бу ўтган йиллардагига нисбатан анча кўп, демакдир.

Кейинги йилларда қолхози-миз меҳнатқашлари қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини, айниқса пахтачиликни ривожлантиришга жиддий эътибор бермоқдалар. Биринчи навбатда ерларнинг унумдорлигини оширишга астойдил ҳаракат қилишди. Механизаторларимиз барча турдаги машиналардан моҳирлик билан фойдаланишди. Техникача чинакам ихлос қўйган қўлгана зеболаримизнинг деҳқонларига тобора кўпроқ ҳосил кўтаришга эришиб келишяпти.

Бу йилги мураккаб шароитда биз етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмасдан, ушшоқлик билан йиғиштириб олишга алоҳида эътибор бер-

дик. Барча «зангори кема»лар бетиним ишлатилди. Механик ҳайдовчилар ўртасида социалистик мусобақа кун сайин кучайтириб борилди. Т. Мамарамов, В. Зилева, В. Ёрозов, И. Аширбеков, М. Валиев, сингарини тиниб-тиничмас, сергайрат механизаторларимиз кўлаб пахта теришда бошқаларга ўрнак кўрсатишди. Улар машина билан пахта териш юзасидан берилган мавсум нормасини ортиқ билан адо этишди.

Қолхозида механизаторлар бошчилик қилаётган 20 та звени бор. Уларнинг кўпчилиги пахта тайёрлаш планини ортиқ билан адо этди. Қўлгана зveno ва участкаларда гектар бонига кўтаришган хирмон 30 центнердан ошиб кетди. С. Алиқуллов, Х. Яхшиев, Угай Ден Ген ўртоқлар бошчилик қилаётган участкалар ана шулар жумласидандир.

Хўжалигимиз меҳнатқашлари беш йилликнинг учинчи йили бошда соҳаларда ҳам қувончли натижалар билан якунламоқдалар. Улар мақсулот етиштиришни йил сайин кўпайтириш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширишга, бунинг учун барча имкониятларни ишга солишга одатланиб қолган. Доҳийини В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллигини мунособ кутиб олиш ва КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётган деҳқонларимиз гайрат-шижоатларини бугун бундан таъин ҳам ошириб бораверадилар ва қишлоғимизда, барча даладарда мўл-кўчлик, тўқичилик яратишга эришадилар.

Қ. БОЙМИРЗАЕВ.

Янгийўл районидagi Ида-нов номи қолхоз раиси.



ЙИЛИМИЗ МАЗМУНИ

1968 йилдан беҳад хурсандимиз. Сабоби, ҳар бир ой ва кунимиз боракалди, сермазун ўтапти. Шаҳар меҳнатқашлари каби қишлоқ аҳолиси ҳам зўр гайрат ва тайаб-бус билан меҳнат қилди. Зим-маларига юклатилган вазифани сидқидилдан адо этиш йўлида барча куч ва имкониятларини ишга солишди. Умумхалқ бойлигини ортиришда улкан-улкан ҳисса қўшдилар. Саноат корхоналари-мизнинг ишчилари, мутахассис-лари томонидан яратилган аjoyиб қишлоқ хўжалик машиналари,

тонна-тонна минерал ўғитлар қол-хоҳ ва соҳазоларга тўхтовсиз ю-натилиб турилди. Бу ерданлар туфайил пахта, сабавот ҳосилдор-лиги кўп даражада ортиди.

Биз ҳам астойдил меҳнат қи-либ, кўпроқ сабавот мақсулотла-ри етиштирилди ва эл дастурхони-га мўлажалгадиган анча кўп са-бавот, мева, картошка етказиб бер-дик. Пахтакорларимиз ҳам бу йил-ги об-хаво қийинчиликларини мар-донавор еттишиб, ўзларига юк-латилган шарафли вазифани му-ваффақиятли бажардилар. Мана

бугун пахтакорларимизнинг бай-рамини нишонлашмиз. Ана шу-дай улуг кунда ҳар гектар ердан 30—35 центнердан ва ундан ҳам ошириб хирмон кўтарган, ватдаси-та вафо қилган пахтакорларимиз-ни, механизаторларимизни чин қалбимиздан таъриқлаймиз.

Сабавоткорларимиз планлари-ни ошириб бажарганларидан ке-йин пахтакор биродарларимизга ёрдам қўлини чўздилар. Соҳози-миз ишчиларидан жуда кўпи Ян-гийўл районига бориб, ёрдам кўр-

сатдилар. 700 тонадан зибдроқ «оқ олтин» териб бердилар. Биз, қишлоқ хўжалигининг меҳнатқашлари, партиямиз Мар-казий Комитетининг октябрь Пленуми қарорларини амалга оши-риш учун астойдил курашиб, де-қончилик маданиятини янада оши-риш соҳасида барча куч ва били-мимизни сарфлаймиз.

Ш. ЭРГАШЕВ,
Оржоникидзе районидagi «Химик» соҳозининг брига-да бошлиғи.

СОВХОЗДА БИРИНЧИ

Пахта байрами кўнига бўли-мимиз ишчилари ҳам қувонар-ли натижалар билан келишди. Гектар бошдан пландаги 22,5 центнер ўрнига 25 центнердан ҳосил кўтаришга эришди.

Йил бошида 780 гектар ерга чингит эниб, вақтида сифатли ишлов берди. Ҳар бир тул гу-зани талабига қараб суғорди, озиқлантирди. Гектарларда кўчатлар бут бўлишга, айниқ-са, эътиборни қўйди. Бўлимимиздаги 4 та пахтачи-лик участкалари ишнинг қўли-ни билиб меҳнат қилганликлари овозига соҳозда биринчи бў-либ маррага етиб келди.

Иўлдош Абдуллаев, Қўқор Шонисомов, Арслон Мамедов бошчилик қилган комплекс-механизациялашган звенолар гек-тар бошга ҳосилдорлигини оши-рини овозига бўлимимизда энг олдин рапорт беришга эришди-лар.

Мираҳмад Шорахмидов, Ҳа-лил Иброҳимов бошчилик участ-ка азаматлари гектар бошдан 25—27 центнердан ҳосил кўта-риб, бажардилар. Қўлгана майдонларимизда машинада те-ришга мослаб ўстирган эдик. Мансумда ана шу майдонларда 18 та «зангори кема» бетиним ишлаб турди. Етиштирилган ҳо-силнинг асосий қисми «Пў-лат ётақ»лардан бунатилди. «Зангори кема» капиталларидан А. Мамедов, Қ. Шонисомов, М. Шоазимов каби ўртоқлар 85—100 тонадан ошириб пахта тўқидилар.

Пахта Ингич-терим даврида кўп минг миллиграммлар ҳа-ракати бўлимимиз ишчилари орасида кенг аниқ олдириб юбо-рилди. Ким беш кунлида кў-проқ пахта терса уни рағбатлан-тириб турди. С. Ражабова, Қ. Мажидова, С. Гайдарова ва М. Мансумда каби қатор те-ришчиларимиз ҳар кун норма-дагидан анча ашириб «оқ ол-тин» тердилар. Уларнинг ма-всумда терган пахталари 6—8 тонадан ошиб кетди.

Янгидагина етиштирилган ҳосилни йиғиштириш билан банд бўлган бўлимимиз пахта-корлари шу кунларда келгуси йилги мўл ҳосил учун қишги тайёргарлик қилишяпти. Пах-та майдонларидagi гузаов-лари тозабел, шудгорлаш иш-ларини бошлаб юбордик.

М. ШАНХОВ,
Бўла районидagi 1-Пис-цент» соҳозин 1-бўлими-нинг бошқарувчиси.

МАДАДКОРМИЗ

Ҳа, пахтакорга ҳамма мадад-кор! Ишчи, инженер, олим, эшкор — ҳамма ҳамма «оқ ол-тин» иши билан яшайди. Ахир, пахтачилик ота қасбимизда.

Биз химик опиллар ҳам аза-мат заршунослар билан муста-кам алоқа боғлашмиз. Қимба-рлар томонидан тайёрлаб берил-ган турли ўғитлар тўғрисида ҳа-кат буғина эмас, қимбағ опиллар ярат-ган турли қимбағ моддалар ҳам пахтакорларга жуда кўл келмоқ-да.

Ўзбекистон ССР Фанлар ака-демияси қимб институтларида бу борада мақтаса аргитилки ишлар қилинмоқда. Мураккаб суяқ ўғитлар тайёрланди. Гуза барги-ни тўқидида ишлатилётган мод-далар опилнинг илмий асослари яратилди.

Пахтакорлар билан биз қимба-ғар опилларнинг ҳамкорлиги та-ғин ҳам мустақамлашадилар. «Оқ олтин»дан мўл ҳосил етиш-тиришга қимбағлар ўз улушлар-ини қўшадилар.

Ҳимм РАХИМОВ,
химия фанлари доктори, про-фессор.

КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯ САРИ

Қишлоқ хўжалигидаги, ай-ниқса пахтачиликдаги барча ишларни комплекс механизация-лаштириш қўллар қатори бизнинг қолхозида меҳнат қашларининг ҳам бирдан-бир мақсадидир.

Қолхозида комплекс ме-ханизациялаштириш борасида жу-да кўп тадбирлар амалга оши-риляпти. Бу нарса айниқса кейинги йилларда ўзининг аjoyиб самараларини кўрсатди. Хўжалигимиз илгорлар сафи-дан мунособ ўринни эгаллади.

Бу йилги мураккаб шароитда ҳам эришилган натижалар мўлажалгадигек бўлди. Техника-ча таъини иш кўрган пахта-корларимиз қийинчиликларни мардонаворлик билан енгдилар. Она-Ватанга 3600 тонадан ортиқ «оқ олтин» армуғон этиб, аймагга олинган социалистик мажбуриятини ҳам анча ошириб бажаришга муваффақ бўлди.

Ингич-терим кампанисини ни-ҳоятда ушшоқлик билан ўтказ-илди. Мавжуд 35 та «зангори кема»ни кечаю-кундуз бетиним ишлатдик. Натижада пахта тай-ёрлаш йиллик плани 30 иш ку-нида бажарилди. Қўшбоқ Ёғам-бердиев, Турсунбой Исмаилов, Мавлон Маматқўлов, Бег-мон Назаров, Қўшн Раззоков сингари азамат механизаторла-римизнинг гайрат-шижоати ту-файли машиналар бункеридан 2000 тонадан зибд «оқ олтин» тўқилди. Бу соҳадаги тошхир-лиқ анча ортиқ билан бажари-лди.

Қолхозида механизаторлар-ни деҳқонларнинг кўл билан қиладиган меҳнатларини тобора енгиллаштириш мақсадида йил сайин кўпроқ тадбирларни амалга ошириляптилар, янги-янги имкониятларни қидириб то-пиб, ишга соймоқдалар.

Маълумки, энди майдонлари қанчалик текис бўлса, комп-лекс механизациялаштириш да-ражасини шуна кўтариши мум-кин. Биз қолхозида ерларни капитал планировка қилишга жиддий эътибор бериб келаями-з. Бу йил навбатдаги 300 гектар майдон шундай плани-ровкадан чиқарилган эди. Ана шу майдонларда олиб борилган иш илгарига нисбатан анча енгиллашди, ҳосилдорлик орти-ди.

Механизаторларимиз шуд-горлаш ишлари қишги тўс олиб кетган шу кунларда ер-ларни биратўла текислаб ке-тишга ҳам алоҳида эътибор бе-ришмоқда.

Бугун — пахтакорларнинг шодона байрами кўнига облас-тининг барча «оқ олтин» миришкорларини қолхозида меҳнатқашлари, жумладан ме-ханизаторлари номидан қизгин таъриқлайман!

А. ҚУШБОЕВ,
Бекобод районидagi «По-беда» қолхозиининг бош-нижнени.



ПАХТАКОРЛАР ҚУВОНЧИ

Ҳамма машаққатлар, қанча ташвиш ва ҳароратли дамлар овқатда қолди кетди. Ўрта Чир-чиқ районидagi Қўйибиев но-ми қолхоз маррага етди. 1310 гектар пахта майдонидан 26,3 центнердан ҳосил кўтарилиди.

Қолхозида план ба-жарилди. Биз шундай катта қи-япчиликлар юз берган бу йил-ги шароитда фидокорона меҳ-нат қилиб, талабага эришган қолхозидаимизни, механизаторларимизни пахта байрами-га ёруғ юз билан келганларини учун чин қўнғилдан астойдил таъриқлаймиз. Шуларга миң-миң раҳмат. Байрамимиз кут-луг бўлсин, азиз дўстлар! — дейди қолхоз раиси Мираҳмад Қўчқоров.

Қолхозиинг пахта усталари-дан Мурод Қўлмонов бошчилик участкада бу йилги шароитда ҳам катта ютуқлар қўлга кири-

тилди. 321 гектар қир ерла-рининг ҳар гектаридан 28 цент-нердан ҳосил кўтарилиди. Шу участкадаги Мираза Одилов бошчилик зveno аъзолари айниқ-са катта талабага эришдилар. Улар 26 ўрнига гектаридан 37 центнердан ҳосил кўтариб, хо-силдорликда қолхозида энг пеш-надам бўлиб қолдилар. Шунга қарамай, Мурод Қўлмонов бу йилги ишдан тўла қаноатлан-майд.

Плани эрта, қисқа муд-датда бажаришга, машиналар-дан унумли фойдаланишга одат-ланиб қолган эканмиз. Бу йил шу одатимиз бўзилди. Шунинг учун планини бажарган бўлсак ҳам кўнғимиз унча тўлмади.

Бекўлат Қодиров бошчи-лик участка аъзолари ҳам 255 гек-тар ерининг ҳар гектаридан 27 центнерга етказиб хирмон кў-тариб маррага етдилар.

Бу қолхоз аъзолари билан суҳбатлашиб қолсангиз, улар-нинг дилларидаги ҳис туйғулар

Манибон Раффоров Янгийўл районидagi Киров номи қол-хозиинг пешнадам механизаторларидан биридир. У Пахта бай-рамини мунособ меҳнат соҳаси билан кутиб олди. Машинада пахта териш юзасидан берилган мавсум нормасини ошириб адо этди. Сурагда: ўртоқ М. Раффоров.

Н. Тўраев фотоси.

ТЎЙ ҚУТЛУҒ

Тўй бўлса тўйга монанд, оқини халқимиз. Меҳнатга азал бошдан яқин халқимиз. Жамини нозу неъмат меҳнат билан. Меҳнатига дастурхонини тўқини халқимиз. Мамажон ота деган, аввал бошдан Жаҳовхор ундирганиш, тупроқ, тошдан. Поидага голиб чинқан чавадзанинг Билинар ўбеклиги бир қарандан. Меҳнатини тўй, тўёна, хандон қайда? Тарона, заки, замлама, ўлан қайда? Вақтида эгин ечиб сув кечмасанг Йон қайда, жанон қайда, маъдан қайда? Саботот мисол чексанг ой даламиз. Қўл урсанг мўл ҳосилга шай даламиз. Бел боғлаб сидқидилдан хизмат қилсанг Ширин шарбат, шонга бой даламиз. Сурилиб мағриб томон Тошкент дашти. Саҳнага қанча шаҳар заб ярашди. Боғлар-боғи шамол, сувлари — боғи. Меҳнатининг борми бундан ўзга боти. Байлада куч-қуввати қайнаб-тошган. Майдонда Алдон билан куч синанган. Бардошли, қора қошли не бир қизлар Теринда ёри билан бел беллашган. Машина ҳайдамоқлик биздан, дейди. Мақтавини келтирмоқлик биздан, дейди. Оқ юзли, эътиборли бўлиб буюк Планини ошироқлик юздан, дейди.

Қир келса қиялатиб,
Эр келса ўрмалатиб,
Машинани бошқарди
Не қизлар гўмбирлатиб.
Тури қатор гўзалар
Соҳларининг толидай.
Товлаиб барқ уриши
Толи, ирбозидай.

Йўл тўлиб қатор-қатор қарован ўтар. Товлаиб намоишта аъён ўтар. Бир йиллик ҳосил юки елкасда Дарага солиб юки равои ўтар. Не эрлар тонг саҳардан иш бошида, Оил кучи, қудрати бор бардошда. Мақсад бир, ўйи бир, муроиди бир Ой деса, ойдаи ёри ёнбошида. Қўлашдан то қузгача гулчи мисол. Манчилини мўлажаллаган йўлчи мисол. Таъбир у тақаллуфда ўз халқининг Мушкулун осон этган элчи мисол: Зангори кемазининг соҳиллари, Эзгулик ихлосманди толиблари. Искандар, Шеркул шерлар иш кўзюни Вилсада, қазитар санар хўп ўзини. Диловор, Фотима қиз, Раъно теган Пахтаини ёйсанг қоплар ер юзюни. Киприк қондай терилган бўлиқ гўза. Бўлиқ гўза тағида тилло кўза. Бошланса қар қишлоқда ҳосил тўйини Сипариса лшармасми қимрон, бўза? Яхшиининг яқини қишда суяқлиги, Айналар тералиғи, югурлиги. Ой юрди, омон бориб, ойдан боқса Қўринар Октябрьнинг буюклиги.

Дўста дўст дармон келтирар. Номардлар армон келтирар. Одамзодга аҳиллиқни Советдай аамон келтирар. Бу юртда тўй кетидан тўй бошланур. Мардларнинг поияи шунда олиқшланур. Хофизлар шаҳзоишо шох достонлар Сиз азиз пахтакорга бағишланур.

Пахта, пахтазорининг жону тайлари, Пулат аргумонининг капитанлари, Қувондиқ, Турсунбой, Қўри терилчи Пахта майдонининг пахлавонлари.

Улкан тўйга улғимиз деб, Яхшидан белгимиз деб То тошга таъриқласини Уйин билан қўлгизимиз деб; Созандалар соқ келтирар Хофизлар шаҳзои келтирар Гуяндлар барчангига Гуянд поёндоз келтирар.

Богбонлар гул ундирар тош устини Ризқузи полвон келар ош устини. Қўли гул, йўли очик меҳнатқашини Арзиди тар кўтарсанг бош устини. Азалдан тўй тилакли Омон оқин. Ўз қадрин билмасларига — ёмон оқин. Эрин бор ўтиришда ёмонини йўқ Омонини қилди дўстлар замон оқин. Сўйлайди Усмон шонр сози билан Далада тер тўкади ёзи билан. Маърақа-мажлис кунин дўмбирасини Хўп созаб олиб борар ўзи билан. Турангиз таълиқ олар устозидан, Созидан, овозидан, парвозидан. Айрилса туролмайдн айб этмангиз Муборак Сир бўйининг куз, ёзидан. Сўнали, голи қишлоқ гулҳовузи. Халқининг фарогатда киши, ёзи. Тўй кутлуг, бу муборак айём кутлуг, Ер кўкин қоплар бу кун куй овози.

Усмон шонр МАЛЛАЕВ,
Омон оқини БОЛТАЕВ,
Тўла СУЛАЙМОН ўғли.

МЕҲНАТ ТАРОНАСИ

Негайи, кумуш толардан хал-қимизга янада кўлаб гаалама-лар тикашди, бизнинг ҳам эл оидида юзимиз ёруғ бўлди.

Республикамизнинг барча

кеңсало-ш пахтакорлари, ми-ришкорларга ёрдам қўлини чўз-ган ишчи-хизматчилар, сту-дентлар қатори Пахта байрами биз тўқувчиларга ҳам шодлиқ,

ифтиҳор туйғуларни бахш эт-моқда.

Бугунги айёмда: — Қўлгизимиз сира дард кўр-масин, азамат пахтакорлар! —

деймиз, — меҳнатингиз роҳа-тини кўринг, қувончингиз чеки бўлмасин.

М. ИҶДОШЕВА,
Тошкент тўқимачилик ком-бинати шўбамасчиси. Со-циалистик Меҳнат Қаҳра-мони.


«Оқ олтин» миришкорлари улкан талабага кўла киритиш-ди. Она-Ватанга 4 миллион тонадан ортиқ дурдона етказиб беришди.

Бу шодона хабар каттаю-кичкини қувонтирмоқда. Биз-нинг ҳам севишимиз чексан.



Бўла районидagi «Ленинизм» қолхозиининг Турди ака Деҳқонбо-ев бошчилик қилаётган зveno аъзолари пахта байрами кўнига меҳ-натда юксак муваффақиятлар билан келишди. Давлатга пахта топ-шириш йиллик планини муддатидан илгари бажаришди. Сурагда: Т. Деҳқонбоев.

А. Абали фотоси.



Шаҳримиз қурилишларга бой. Деярли ҳар кун бири-бир уй ёки маданий-маиший муассаса биноси фойдаланишга топширилмоқда. Бу ҳайрли ишда қардош қурувчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Шу жумладан Донеж қурилиш-монтаж поездининг бўвдорлари икки йилдан ошмироқ вақт ичда неча минглаб квадрат метр уй-жой ва бошқа турли хал муассаса биноларини тиклаб тош кентликларга тухфа эттиди. В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдида социалистик мусобақани қизитиб юборган донецликлар шу кунларда яна ҳам катта муваффақиятларини қўлга киритишмоқда. Суратда: донецлик илгор бўвдорлардан бир гуруҳи (чапдан ўнгга)—В. Пушкар, А. Коваленко, Х. Матфейк, В. Носова ўртоқлар.

ЎРИНБОСАРЛАР

ЧАҚИРУВ ПУНКТИДАН РЕПОРТАЖ

Чилонзор район ҳарбий комиссариатидан. Хизматга чақирилган ёшлар офицерлардан кўрсатма олишяпти. Уларнинг кўпчилиги ҳаяжонда. Қўзғалинган бўлиб ана шу ҳис-ҳаяжонни дэров пайқаб оласан.

Бунинг боиси бор албатта. Чунки, улар солдатлик ҳаёти ҳақида жуда кўп эшитишган. Маъна энди уларга ҳам гал келди. Эрта-инди солдат шинелини кийиб, шарафли ва айни вақтда масъулалиги янги ҳаётини бошлаб юборишади.

Ватан олдидаги бурчини ўташга отланган йигитларнинг қайси бири билан суҳбатда бўлсанг, улар оталари ва акаларининг изидан бориш интига эканликларини, шоян традицияларимизни муносиб давом эттиришга аҳд қилганликларини билиб оласан. Улар солдатлик ҳаёти давомида қи-йинчиликларга дуч келишни кўчи билишади, декин бундан сира чўшмайди.

Бу ерда бир йигит билан суҳбатлашиб қолдим. У Тошкент тўқимачилик комбинатининг иш-чиси, комсомол аъзоси Юсуф Субанов экан.

— Қаерда хизмат қилишни хоҳлайсан?

— Қаерга юборишса, ўша ерда, — деди у. — деб сўрадим

2-қурилиш трестига қарашли 8-қурилиш бошқармаси пай-вадчиси Ортиқ Хожиевдан.

У ҳам дўсти Юсуф айтган сўзин қайтарди.

Бу икки йигит Ватанинг ҳар қандай топширигини бажаришга тайёр эканлиги меъда шубҳа қолдирмади. Улар қайси қисмда — Тинч океан, Шимо-лий ёки Бولтик бўйи флотла-ридами, ёки қудратли давлати-мизнинг чегараларидами, ҳу-лас қаерда хизмат қилишмасин ўз бурчларини шараф билан ўташ интидадилар.

Йиги Қонуи ҳаётга татбиқ этила бошлагандан кейин ар-мида жуда кўпгина фойдали ўзгаришлар юз берди. Ҳўзла-лар, ўнун процессига ҳам та-лабгина ўзгаришлар киритил-ди. Олти соатлик машғулотлар етти соатга узайтирилди. Кун тартибни яхшилаштирилди. Машғулотлар ўтказиш жараён-лари ҳам бошқача йўлга қў-йилди.

Мисол учун, авваллари

оммавий киргин қурулларидан ҳимояланишга бағишланган те-малар синфларда ўтказиларди. Эндиликда эса бу дарслар да-ланинг ўзида бўляпти. Прак-тик машғулотлар ҳам бевоси-та тактик машғулотлар билан ҳозирги замон жанги талабла-рига жавоб берадиган шароит-да ўтказилмоқда. Машғулот-ларни бундай шаклда олиб бо-риш ҳар бир солдатнинг масъ-улиятини оширишга, мустақил иш тутишга ундайди. У олдин-дан ҳамма нарсани билиб иш-тутишга, мураккаб шароитда турги ҳуласа чиқаришга ҳара-кат қилади. Бошқача ҳам бў-лиши мумкин эмас. Чунки, ав-валлари уш йил давомида ўн-лагина программани у энди икки йилда ўзлаштириши ке-рак. Ҳўзимизда, тиричилик ва меҳнатсевар йигитларнинг ҳар бири бу вазифани бемалол ўд-далай олади.

Чақирув пунктида «Хамша-харларимиз шундай хизмат қи-лишмоқда» деган витрина таш-

стайнияс устaxonаси ишчиси В. Пидеко эса енгил атлетика бўйича 3 разрядга эга. Игорь Янин оғир атлетика бўйича разрядли спортчи.

Чақирув пунктига тўланган ёшлар орасида парашютчилар, радистлар, шоферлар қўлаб топилади. Булар ҳамма солдат-ларнинг деярли ҳаммаси автомат ва пулемётларнинг қисмларини яхши билишади. Маъқ пайтда автомат ва кичик қалибрили микотиклардан ўқ отишган. Ҳарбий комиссариат, ДОСААФ ташкилоти, райондаги қорхона ва муассаса раҳбарлари, пар-тия ва комсомол ташкилотла-ри ёшларни армия хизматига тайёрлашда ва уларга бошлан-ғич ҳарбий билимларни ўра-тишда талабгина ишлар қилиш-ди.

Бугун бу ерда хизматга от-ланаётган йигитлар солдатлик шинелини кийиб, Ватанга, халққа ҳалол хизмат қилиш учун қасамд қилган, кўп ў-май илгор жангчилар қатори-дан ўрин олишларига ва те-хникани мукаммал ўзлаштириш-ларига ишончимиз қомил.

Бир сўз билан айтганда, улар шоян традицияларимиз-ни муносиб давом эттирувчи ўринбосарларимиздир.

Подполковник Ф. ЛЮБЗИН.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Курсатилар програм-маси.

Ўзбек тилида: 10.00 — Бахтимиз ҳақида куйлаймиз (адабий-музи-кал композиция), 10.40 — Совет-лар ҳокимияти ҳақида (хўжасатли фильми), 11.40 — Концерт.

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.30 — Бахтимиз қонуни, 21.00 — Телемиз таро-маси тилида (телекомпозиция), 21.40 — Бадий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Курсатилар програм-маси.

Рус тилида: 18.00 — Кинофильм (болалар учун), 18.10 — СССР халқ-ларининг кўшиқлари, 18.40 — Ҳукумат аъзоси (бадий фильм).

20.30 дан — Москва кўрсатади.

Ўзбек тилида: 20.00 — Гренада, Гренада, менинг Гренадам (хўж-асатли фильм).

Рус тилида: 21.20 — СССР халқ артисти А. Пирогов (телефильм, 1 ва 2-серия), 22.45 — Телеочерк.

КИНО

Олтин буёқча (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОНИ НОМЛИ, «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИ-НИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кеч курун).

Иван Манарович — «МОСКВА» (ортаб соат 11 ярим, кундуз 3 ва кеч 7 да), «ДРУЖБА» (кундуз ва кеч курун).

Ҳаводиг саргузаштлар (1 ва 2-серия) — «ЧАНКА» (кундуз ва кеч курун).

Сафдан ташқари хизматга лойиқ — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛ-ЛИГИ» (кундуз ва кеч курун).

Кривой рог байроғи — «МОС-КВА» (ортаб соат 10, кундуз 1,5 да кеч 9 да).

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРА — Ленин ордени

СПОРТ ХРОНИКАСИ

● Пойтахтдаги округ офи-церлар уйда машғур болон Г. Пильнов соврини учун эркин курашчилар ўртасида мусоба-қалар ўтати. Юзга яқин спорт-чилар шайтон отабатин бу турнир кескин олинчуларга бой бўлмоқда. Жаҳон чемпио-натининг кумуш мукофоти, фахри спорт мастери Р. Дка-гамадзе, «Буреветник» мар-казий совети чемпиони Ю. Эрг-бердиев, ёш полковлар В. Кор-шунов, Ш. Жуманиёвлар сов-ринга даъвогарлик қилишмоқ-да.

● Москванинг «Локомотив» футболчилари Болгарияда меҳ-мон бўлиб туришбди. Совет футболчилари биринчи ўйини Коларовград шаҳрида маҳал-лий «Волов» командаси билан ўтказишди ва 2:1 ҳисобида га-лаба қозонишди.

Булаем ХАЛИФА (ЖАЗОИР)

ТОНГ ЭЛЧИСИ

Туғилганда йиғлар ҳар бир чақалоқ, Севинчдан йиғлайди ҳар бир йиги тонг.

Чақалоқ юзиде қатрлар оппоп, Майсалар чехраси тонг ёшдан нам.

Бу ҳаёт уйғониш олдида, дўстлар Юзларини ювиниш, қўймоқ-чун сўйгра.

Ешини тейлаб йиғлади кўлар — Элчидир, янги бир дунёни узар.

Барот БОЛҚОБИЛОВ таржимаси.

УЙ БЕКАЛАРИГА МАСЛАҲАТ

● Металдан шиланган идиш-товуқ ярқираб турени, десангиз ташқи тарафини бўр ёки бўрга лой қўшиб, 8 бўлма-са махсус паста ва порошок билан тозалаб туринг.

● Таги куйган металл каст-роль ёки тозани тозалаш осои-бунинг учун бу идишларга бир роз сода ёки туз қўшиб сув солини, кейин ҳамма куйган ийларни тоза бўлмагунча қай-натинг.

● Ифлос бўлган алюмин идишини ҳамма иссиқ сувда совиулаб ювсангиз тоза бўлади.

● Металл чойнак ёки каст-роль тағидан лойқа бир литр сувга 3—5 ош қошиқда укус солиб қайнатсангиз, йўқолади. Бунда сувни кайида бир соат қайнатсангиз, кейин бир неча марта қайноқ содани сувда ювсангиз.

ЛЕНИН ОРДЕНИ СССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

4 дан 22 декабргача Тошкентдаги гастроллари

5 (кундуз)	10 декабрда	ХОВАНШЧИНА	М. Мусоргский
5, 8 (кеч курун)	22 декабрь (кундуз)	СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ	Д. Россини
6, 11 (кеч курун)	15 декабрь (кундуз)	ПИКОВАЯ ДАМА	П. Чайковский
7, 8 (кундуз)	19 декабрда	КИТЕЖ ШАҲРИ ҲАҚИДА ДОСТОН	Н. Римский-Корсанов
12, 15, 17 декабрда		ЖИЗЕЛЬ	А. Адан
13, 18, 20, 22 декабрда		КНЯЗЬ ИГОРЬ	А. Бородин
14, 21 декабрда		БЫР АКТИ БАЛЕТЛАР КЕЧАСИ ШОПЕНИАНА	Ф. Шопен
		ОККУШ КУЛИ	П. Чайковский
		Половец РАКЛАРИ	А. Бородин

Кундузги спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар 7 ярим да бошланади. Ҳамама спектаклларга билетлар сотилган.

Дунё хабарлари

ҚОҶИРА, 3 декабрь. (ТАСС). Араб Социалистик Иттифоқи умуммиллий конгрес-сининг фавқулодда сессияси Қоҳира университетининг маж-лисалар залида иш бошлади. Президент Носир сессияни очиб сузлаган нутқда уқтириб айтдики, конгресснинг бу сес-сиясини қақиршга Маскурда ва Искандариядаги студент-ларнинг чакнишлар бевосита сабабчи бўлган бўлса ҳам, аммо аслида қўзғалаётган мас-ала анча кенг.

Ички фронтни, деди Носир бундан буйи ҳам мустаҳкамлаш бериш зарур. Душман тўла-тўғри агрессия қилиш йўли билан ўзининг асосий мақсадини рўёбга чиқара олмайди: бизни

снсий таслим бўлишга маж-бур қила олмайди. Бунда эса, ички фронтимизнинг хизмати жуда катта. У, ўзининг муста-ҳкам эканлигини кўрсатиши.

Шу сабабли, деб давом қил-ди президент, ҳозирги вақтда душман пропаганда ва психо-логик уруш ёрдамида бизнинг ички фронтимизга пўтур етказ-моқ учун ўзининг бутун кучи-ни ишга солимоқда. Ички фронтни янада мустаҳкамлаш, эса «30 март программаси»-нинг асосий мақсадидир. Биз шу программга асосланиб, мамлакат ҳаётининг ҳамма то-

сеҳрли таёқчанис йўқ. Душман эса маиш шундан фойдаланмоқ-да.

Намойишларда студент-ларнинг ҳаммаси қатнашди, дейиш хато бўлур эди, деб да-вом қилди Носир. Ўзгачанлик текширишлар душман унсу-рлар бошлаб берган тартибсиз-ликларда студентларнинг би-роз қисминга қатнашганлиги-ни кўрсатиши. Бу билан улар бепомуслик қилиб шарманда бўлдилар.

Пировадиде Носир, Миср халқи асло таслим бўлмайдн ва ўз ерларини озод қилиш учун курашини тўла галаба қозонгунча давом эттиради, деб ишонч билдирди.

МАМАЛАКАТЛАР

ОДАМЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ТЕЛЕТАЙП

ЛЕНТАСИДАН

ЭВАН КИПРДА



КЎЧАТЛАР ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

СОФИЯ, 3 декабрь. (ТАСС). Болгариянинг Велико Терново шаҳридаги «Навлия Уруглар» қорхонаси Совет Иттифоқида тоқ кўчатлари етказиб бермоқ-да. Болгария Телеграф агентли-гининг берган хабарига қара-ганда, СССРга ҳозирнинг ўзи-даёқ 16 миллион тундан зиёд

рок биринчи нав ток кўчати жу-натилган. Бу кўчатлар асосан кишлоқ жойларида ўстирилиш-моқда. Масалан, Кирифарева киш-логининг кооператорлари 3 миллион тундан зиёдрок, Стра-жица кишлоқининг кооператор-лари эса 5 миллион тундан зи-ёдрок ток кўчатлари жунатиш-ган.

Таъкидлаб ўтишларига қара-ганда Купер кўчига суд жара-ёнларида қотиларни зўр мо-ҳирлик билан ҳимоя қилганли-ги учун машҳурдир.

Сирхан Сирхан устидан бў-ладиган суд 9 декабрда бош-ла

ЛОНДОН. (ТАСС). Исроил тақрир ишлар министри Абба Эбан Кипр пойтахтига келди. Рейтер агентлиги муборининг Николядан берган хабарига қўра Эбан БМТ Бош секретари-нинг Янни Шарқдаги вазисли Гуналар Яннинг билан Янни Шарқ проблемалари бўйича музокаралар олиб боради.

ЯНГИ ҲАРБИЙ НАМОНИШ

БОНН, 3 декабрь. (ТАСС). НАТО харбий стратеглари 1969 йили янги улкан харбий намоийи билан бошламалар. «Франк-фуртер Алгемай-не» газетасининг берган хаба-рига қўра Қўшма Штатлар бил-лан БОНН оралигида харбий қўшнларга мўлжалланган «ха-во кўприги» ўрнатилди.

ИСРОИЛ ВАҲШИЙЛИГИНИНГ ҚЎРБОНЛАРИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Шу кун-лари норданлиялик ёш гўдаклар ва қариялар Исроил агрес-сиясининг навабдаги ваҳший-лигини ўз бошидан кечирш-моқда. Рейтер агентлиги муб-бирининг Оммондан берган ха-барига қўра, 3 декабрда Исро-ил артиллерияси Голан баланд-лигида жойлашиб олиб, Нордан дарёсининг янмиюйи қисмида-гўрган Нордан қўшнларни по-зициясини ўққа тутган. Айниқ-са Ирбид шаҳри қаттиқ шинаст-ланди.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТГА

5, 6, 7, ДЕКАБРЬ — ТАНАЛИ «ПАХТА БАЙРАМИ» КҲНИ

Шу умумхалқ байрами му-носабати билан ипподромда савдо ярмаркиси ташкил қи-линди. Ямарнада савдо ва умуми овматланиш қорхонала-ри иштирок этди.

Ямарнадан қондиртер қолба-са, нон-булка ва тамани буюм-лари, миллий ширинликлар, сутли, гушти ва балиқчи консервалар, пиво, чанқоқ қондирувчи ичимликлар, мо-роеное, юзов, тарвуз, узум, анорлар, шунингдек сановат моллари: кийим-кечак, пояф-зал, газлама, тринотаж, бош кийимлар, галантерея, парфю-мерия, радио-фото товарлар, ҳўжалик ва маданий-маиший товарлар, соатлар, заргарлик буюмлари, ёлғоринлар, на-мелария товарлари, китоблар СОВЕТ ОЛИШ МУМКИН.

Умумоватланиш қорхона-лари палов, мабоб, шўрчалар тайёрлайди.

Ямарнада Тошкент области-нинг қолқоз ва совхозлари ў-зарининг қишлоқ ҳўжаси-чақулотлари билан қатнаша-ти ва соатди.

ДИССЕРТАЦИЯ ЕКЛАЙДИ.

Диссертация билан универ-ситет кутубхонасида танишшиш мумкин (Кўйишвев қўчаси, 10-уй).

Ўзбекистон КП Тошкент ша-ҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети Ўзбеки-стон ССР Молия министрлиги контроль ревизия бошқармаси-нинг Тошкент шаҳри бўйича бош контролёр-ревизори

Маҳмуд Аҳмедович АХМЕДОВНИНГ

вафот этилишини чуқур қай-гу билан билдирди, мархў-минг оиласига таъзия ма-ҳор қиладилар.